

G7 МАМЛАКАТЛАРИ  
АФГОНИСТОН БҮЙИЧА  
МАХСУС БАЁНОТ БЕРИШДИ

3-бет

“ТҮЙ ТАМОМ,  
ҲАММА  
ТАРҚАЛСИН...”

4-бет

ФАРЗАНД  
ТАРБИЯСИ  
МУҲИМ

7-бет



## АФГОНИСТОН ТИНЧЛИГИ БҮЙИЧА ЯНА БИР ҚАДАМ

ҚР Президенти Қасим-Жұмарт Тұқаев Жамоавий Хавфсизлик Шартномаси Ташкилоти кенгашининг навбатдан ташқары сессиясида видеоалоқа орқали иштирек этди.

Учрашувда ЖХШТ раҳбарлари – Тоҷикистон, Беларусь, Қозогистон, Қирғизистон, Россия президентлари, шунингдек, Арманистон бош вазири Афғонистондаги вазият ва унинг ташкилота аъзо давлатлар хавфсизлигига таъсири ҳақида фикр алмашдилар. Улар, шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги долзарб муаммоларни мухокама қилишди.

Қозогистон Президенти ўз нутқида террорчилик ва экстремизмнинг тарқалиши, ноқонуний қурол-яроғ ва гиёхванд моддалар савдосининг кўпайishi, ноқ-

нуний миграция, қочкынларнинг оммавий миграцияси, минтақага бузғунчи унсурларнинг кириб келиши каби барча муаммоларни мажмууви тарзда ҳал қилиш зарурлигини таъқидлади. Шу муносабат билан Қасим-Жұмарт Тұқаев жамоавий хавфсизлик тизимини кучайтиришга қаратылган қатор таклифларни илгари сурди. Президент Афғонистонда гуманитар ва озиқ-овқат инқизотининг олдини олиш муҳимлигини ҳам таъқидлади.

Сессияда ташкилотга аъзо давлатлар мамлакатдаги барча жамоат, сиёсий,

этник ва диний гурӯхларнинг манбаатларини ҳисобга олган ҳолда, Афғонистонда тинч йўл билан инклюзив (адолатли ва тенг ҳуқуқли) давлат ҳокимиятини тикашнинг муҳимлигини таъқидладилар.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ЖХШТга аъзо давлатларга Афғонистон билан чегарани ишончли қўриқлаш ва ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган тадбирлар тўғрисида маълумот берди.

Сессияда, шунингдек, Афғонистондаги сиёсий тизим бутун афғон халқининг

хоҳиш-иродасини эрkin ифода этишга асосланган бўлиши кераклиги қайд этилди.

– Жамият барча қатламларининг ижтимоий-сиёсий манбаатларини қатъий ҳисобга олиш, кафолатлаш ва ҳимоя қилиш Афғонистондаги ҳар қандай ҳукумат барқарорлиги учун муҳим аҳамиятга эга, – деди ЖХШТ раҳбарлари.

Қозогистон ахборот агентликлари маълумотлари асосида.



## ҲАРБИЙЛАР КУЧ СИНАШМОҚДА



«АрМИ-2021» Ҳалқаро армия ўйинларида дунёning 43 давлатидан 295 жамоа иштирок этмоқда. Мусобақалар 22 августдан 5 сентябргача давом этади.

Куни кеча қозогистонликлар иштирокидаги Ҳалқаро Армия ўйинларининг дастлабки натижалари эълон қилинди.

Ҳалқаро Армия ўйинлари «Эльбрус доираси» мусобақасида Қозогистон терма жамоаси иккичи ўринни эгаллади. Навбатдаги босқичда улар Эльбрус чўққисини забт этадилар. Унинг баландлиги 5642 метр.

Мусобақаларнинг ушбу турода тўқизмамлакатдан жамоалар иштирок этмоқда. Булар: Абхазия, Арманистон, Ҳиндистон, Қозогистон, Хитой, Покистон, Россия, Ўзбекистон ва Жанубий Осетия.

Ҳалқаро мусобақада мамлакатимиз шарафини ҳарбий альпинистлар ҳимоя қиласиди. Мусобақа Қабардин-Балқар (Россия)даги Терскол тоф тизмасида ўтказилади.

24 kz.

Қозогистонда олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш муддати 28 августга қадар узайтирилди, дея ҳабар беради ҚР Таълим ва фан вазирлиги. Бу қарор Қозогистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг олий таълим бошқармаси томонидан қабул қилинган.



## ҲУЖЖАТ ТОПШИРИШ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

– Абитуриентлар учун бу яхши янгиллик. Ҳужжатларни топшириш муддатини узайтириш юзасидан келиб тушган аризалар сони ҳисобга олинди. Таълим гранти соҳиблари ҳам, пуллик асосда ўқиши режалаштирганлар ҳам бундай имкониятга эга, – деди ҚР Таълим ва фан вазири ўринbosари Қуаниш Ергалиев.

Эслатиб ўтамиз, илгари ОЎЮга кириш учун ҳужжатларни 25 августга қадар топшириш керак еди. Таълим

гранти соҳиблари томонидан аризалар eGov.kz электрон ҳукумат портали орқали қабул қилинади. Пуллик асосда ўқиши учун олий ўқув юртларининг виртуал қабул комиссияларига мурожаат қилиш керак. Рўйхат Қозогистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг Миллий тест маркази сайтида жойлаштирилган.

ҚР Таълим ва фан вазирлигининг матбуот хизмати.

## ЭТНОСЛАРАРО ТОТУВЛИКНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Туркистан вилояти ҳокимлиги вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда "Жамиятда миллатлараро барқарорликни хусусиятлари" мавзусида семинар ўтказиб, минтақада миллати ва тилидан қатына зар, ахолини ўзаро ҳурмат хисси билан яшаши даъват этди. Мамлакатда эпидемиологик вазият ҳукм сургани учун "ZOOM" дастури орқали мулоқот қилинди. Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Қалқаманов, вилоят прокурорининг ўринбосари Ж. Нурғали, вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбари Д. Жунисов ва бошқа мутасадди идоралар ва киллари, олимлар, турли этнос вакиллари иштирок этишиди.



Семинарда миллар низоларга йўл кўйи маслихатнинг бугунги жиҳатлари, замонавий усуллари, назарий ва амалий чора-тадбирлари кенг муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари

С. Қалқаманов "Минтақада миллар низолар бўлмаслиги учун, энг аввало, ҳар биримиз ўз ишимиизга масъулияти бўлишимиз, умумий вазифамиз – жамиятда барқарорликни қарор топтириш, тинчлик-

хотиржамлик бўлмаган жойда тараққиёт ҳам бўлмаслигини айтди.

Вилоят прокурори мувонини Жўмарт Нурғали эса ушбу ўйналишда олиб бори-лаётган тадбирларга тўхтади.

Тарих фанлари доктори, профессор Жамбил Артиқбаев ўз маърузасида миллатлараро барқарорликни сақлашнинг асосий йўли – маданий ҳамкорликни кучайтириш гоясини илгари сурди. Х. А. Яссавий номидаги ХҚТУ директори, Туркӣшунослик илмий-тадқиқот институти рахбари Дўйс Кенжетай эса мамлакат жанубида этноижтимоий жараён тараққиётидаги мавжуд бўлган асосий омилларни шарҳлаб берди.

Бундан ташқари, семинарда "Миллатлараро тотувлик барқарорлиги" мавзусида видеоролик намойиш этилиб, унда минтақада яшовчи турли миллат-эзлатларнинг ҳаёти ва фаолияти ифодаланди. Шунингдек, семинар иштирокчиларига маҳсус ишланган услубий рисолалар тарқатилди.

**Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.**

## ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛИШИ КЕРАК

Туркистан вилоятида қишлоқ хўжалиигига ажратилган субсидиялар берилишига доир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан масалалар кўтарилилган эди. Ўз навбатида хўжаликлар бунга норозилик билдиришмоқда. Ушбу чигал масала Nur Otan партияси Туркистан вилоят филиали қошибади Агарар шўъбани ривожлантириш бўйича жамоат кенгашни ва партиявий назорат комиссиясининг қўшма мажлисида атрофлича муҳокама қилинди.



Лойиҳаларини амалга ошириб, ишларини туттаган. Яъни, субсидияни олишга тўла ҳуқуқли. Ушбу бир ҳужжатдаги камчилик туфайли вилоятнинг бир неча тадбиркори зарар кўриб, лойиҳалари якунiga етмай қолиши мумкин. Буни Туркистан вилояти тадбиркорлар палатаси раҳбари Темур Нақибеков маълум қилиб, тадбиркорлар катта зарар кўриши мумкинлигини айтди. Шунингдек, мажлисда иштирок этган бир қанча тадбиркор ушбу чигал масалани ҳал қилишда ёрдам сўраб, ўз арзларини айтиши.

– Режага мувофиқ иш бажарилди, иссиқхоналар курилди. Энди лойиҳамизни давом эттирайлими ёки субсидияни қайтарайлими? Субсидиялашга доир қоғозбозлик ва тушуномчиллик туфайли ишларимиз тўхтаб турибди, – деди иккни нафар МЧБ вакили.

ҚР Парламенти Мажлиси депутати, Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиснинг Аграр масалалар қўмитасининг аъзоси Қайнар Абасов ушбу масалани Парламент минбарида кўтаришини айтди.

– Бугун муҳокама қилинган субсидиялашга доир масала – ҳужжатларда йўл кўйилган камчилик туфайли. Бошқача эмас. Прокуратура ҳам, тадбиркорлар ҳам ўз ишини киляпти. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бўйруғидаги битта камчилик мана шундай чигал муаммони келтириб чиқарди. Бугунги мажлисдаги протокол юзасидан масалани сентябрь ойида Мажлисда тегишли вазирнинг олдида кўтарамиз. Ҳал қилишда ёрдамлашамиз. Мана шу ва бошқа муаммолар ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг минтақалар билан алоқаси суст эканлигини кўрсатади. Биз қишлоқни оралаган вақтимизда тадбиркорлар субсидия олишдаги тўсиқларни камайтириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга доир талабни олиб ташлашни илтимос қилишади. Ҳўжаликларнинг таклифлари ўринли. Субсидия оладиган одамдан иш ўринларини очиш ва солик тўлашгина талаб қилиниши керак. Ҳар бир тийин учун тахмин қилиш, олдиндан шартнома тузиш ҳўжаликнинг икки қўлини боғлаб қўяди. "Қолдау" дастурини тизимластириб, ушбу соҳани рақамлаштиришни шакллантириш ўйналишида иш олиб борамиз, – деди у.

Nur Otan партияси вилоят филиалининг матбуот хизмати.

Туркистан вилоятининг Тулкибош туманида иккиси сайёхлик иншооти фойдаланишга топширилди. Хорижлик ва мамлакатимиз сайёхларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган "Etno Park Resort" этноовул ва "Алмалы" дам олиш худуди европа қиёфа-сида қад ростлаган.

### ЯНГИ ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИГА МАРҲАМАТ!

"Etno Park Resort" этноовул дам олиш маскани бир вақтда 180 кишини қабул қилиш имконига эга. Иншоотнинг умумий қиймати 417 млн. тенгени ташкил қиласди. Мулк соҳибаси К. Ўтегеновнинг айтишича, дам олиш худудида 29 нафар маҳаллий фуқаро меҳнат қиласди.

"Алмалы" дам олиш масканида 50 ўрнини ресторон ва сайёхларга хизмат кўрсатадиган сунъий ҳовуз,



ёзги майдончалар мавжуд. Лойиҳанинг қиймати 123 млн. тенге. Бу ерда 20 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланган.

Бугунги кунда Тулкибош туманида 36ta сайёхлик иншооти туман аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда.

**Вилоят минтақавий  
алоқалар хизмати.**

### МУВАФФАҚИЯТНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ – СИФАТЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ САРАЛАШ

Мустақил элизимизга 30 йил тўлди, ўтган даврдан бўён 2021 йили учинчи марта аҳолининг Миллар саноғи ўтади. Халқ саноғи – бу элнинг миллар статистика тизимининг бирикма ва ажралмас қисми, халқ ва унинг ҳаёт кечириш даражаси тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаси.

Эл иқтисодиёти ҳамда бюджет дастурларини режалаштириш ва ривожлантириш учун ҳалқ саноғи тўғрисидаги ахборот жуда муҳим, бу ўй-жой қурилиши ва уни бериш дастурларини тайёрлашга, демографик ва миграция жараёни тўғрисидаги, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий соҳадаги дастурларни ривожлантириш, иш ўринларини ташкил этишига ёрдамлашади.

Халқ саноғини муваффақиятли ўтказишнинг асосий омилларидан бири – юқори сифатли мутахассисларни саралаб олиш. Миллар халқ саноғининг асосий босқичини ўтказиш ишига 356 ўйриқчи-назоратчи (жорий йилнинг 24 сентябрдан бошлаб 7 ноябрь оралигидаги босқич) ва 2491 интервьюер (1 октябрдан 30 октябрь оралигида) жалб қилинади.

Мазкур хизматга ташаббускор, масъул, вижданли, олий ёки олий ўқув юритидан кейинги таълим ёки ўрта билимли, ўрта таълим, дастурий таъминот ишларида базавий билими билан ишлай оладиган 18

ёшдан ошган Қозоғистон фуқароси номзод бўла олади. Номзод ишга қабул қилинишидан аввал корона-вирус инфекциясини тарқатишнинг олдини олиш мақсадида эмланган бўлиши лозим.

Интервьюернинг вазифасига визиятнинг шаҳар ва қишлоқларидаги ўйларни ёпласига оралаш киради. Ўйларни оралаш вақтида унга маҳсус гувоҳномалар ва Миллар саноғининг атрибулари берилади.

Ёдингизда бўлсан, 2021 йилнинг Миллар саноғи 1 сентябрдан 30 октябргача ўтади. Унда онлайн тартибда ҳам, анъанавий усулада ҳам иштирок этиш мумкин. 2021 йил саноғининг шиори – "Қозоғистонда ҳамма муҳим! Қазақстанда әркім маңызды! В Казахстане каждый важен!"

**Қозоғистон Республикаси  
Стратегик режалаш ва  
ислоҳотлаш агентлиги Миллар  
статистика бюросининг  
Туркистан вилоятини  
бўйича департаменти.**

# ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – ХАЛҚ САНОҒИ

ҚР БОШ ВАЗИРИ ХАЛҚ САНОҒИ ТАДБИРИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН КҮРСАТМАЛАР БЕРДИ



**Қозоғистон Бош вазири Асқар Мамин Ҳукумат йиғилишида халқ саноғи милий тадбирига тайёргарлик күришда сұсткашынка йўл берәтган мінтақаларни маълум қилди.**

– Халқ саноғи пайтида 32 минг киши иш билан таъминланади. Алмати ва Нур-Султан шаҳарлари, Құстанай ва Шарқий Қозоғистон вилоятлари мутасаддилари ишни тартибга келтириб қўйиши. Манғистау, Ақтөбе вилоятлари ва Шимкент шаҳар ҳокимликларида иш суръати суст. Вилоят ҳокимлари

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик жараёнини шахсан назорат қўлсин, – деди Баш вазир ва галдаги вазифаларни белгилади.

– Биринчи. Вилоят ҳокимлари ва Миллий статистика бюроси Мекнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Таълим ва фан, Соғликни сақлаш вазирларни билан бирга мажбурий эмлашдан ўтган ходимларнинг зарур сонини қисқа вақт ичиде ишга жойлаштириши таъминлаш. Иккинчи. Вилоят ҳокимлари, Миллий статистика бюроси, Ички ишлар

ва Соғликни сақлаш вазирларни халқ саноғи бўйича барча ташкилий масалаларни ишлаб чиқишилари керак. Учинчи. Ахборот ва ижтимоий тараққиёт вазирлиги Миллий статистика бюроси ва ҳокимлар билан бирга аҳоли ўртасида халқ саноғининг мақсади ва тартиби тўғрисида тушунтириш ишларини кучайтириши керак, – деди Асқар Мамин.

У бу ишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириши ўз ўринбосари Алихан Смаиловга топшириди.

Primeminister.kz.

## ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

ҚР Соғликни сақлаш вазири Қўзги эпидемиологик вазият ҳақида янги таҳминни маълум қилди

ҚР Соғликни сақлаш вазири Алексей Цой ҳукумат йиғилишида қўзги эпидемиологик вазиятнинг учта сценарий бўйича таҳминларни илгари сурди.

– Вазирлик ноябрь ойи учун эпидемиологик таҳмин янгилади. Биринчи сценарийга кўра, сентябрь ойида 6300та, октябрда эса 2400та коронавирус юқтириш ҳолатлари кутилмоқда. Иккинчи сценарийга кўра, сентябрь ойида 4200та, октябрда эса 1300та ҳолат кутилмоқда, – деди вазир.

Бош вазир Асқар Мамин, шунингдек, идоралараро комиссияга коронавирус инфекцияси

тарқалишининг олдини олиш юзасидан топшириқ бериб, мінтақалarda Ashyq тизимида иштирок этувчи корхоналар учун дам олиш кунларида чекловларни юмшатиш масаласини кўриб чиқиши топшириди.

– Таҳминан 6,5 миллион киши вакцинанинг биринчи компоненти, 5 миллиондан ортиқ одам иккинчи компоненти билан эмланди. Эмлаш кампаниясини янада кучайтириш зарур. Идоралараро комиссияга эпидемиологик вазият барқарорлаштган мінтақалarda Ashyq тизимида иштирок этувчи тадбиркорлик субъектлари учун чеклов тартибини юмшатиш масаласини кўриб чиқиши топшираман, – деди Баш вазир ва бу ишни назорат қилишини Баш вазир ўринбосари Ераги Тўғжановга топшириди.

Primeminister.kz.

## БМТ АФГОНИСТОНДАН 120 ХОДИМИНИ ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛДИ

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Афғонистондан ўз ходимлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг 120 ходими ни Қозоғистонга эвакуация қилди. Бу ҳақда БМТ Бош котибининг вакили Стефан Дюжаррик маълум қилди, дея хабар беради TASS.**

«Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 22 август куни Афғонистон пойтахтидан 120 кишини Алматига олиб келди, бу бир ҳафта ичиде иккинчи марта амалга оширилган рейс. Йўловчилар орасида БМТ ходимлари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистондаги ҳамкорлари бўлган бир неча нодавлат ташкилотлари аъзолари бор», дейилади хабарда.

TASS.

Ўтган ҳафтада БМТнинг 100га яқин ходими масофадан ишлашни давом эттириш учун Қобулдан Алматига кўчирилди. «Толибон»нинг Афғонистондаги турли миссияларида 3 минг маҳаллий аҳоли ва 700дан зиёд чет эллик ишлаган.

«Толибон» радикал аскарлари 15 август куни жангиз Қобулга кирган ва бир неча соат ичиде Афғонистон пойтахтини тўлиқ назоратга олган.

TASS.

## ЖАҲОН БЎЙЛАБ

ЭНГ МУҲИМ  
ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР  
ҚИСҚАЧА ШАРҲИ



## G7 МАМЛАКАТЛАРИ АФГОНИСТОН БЎЙИЧА МАХСУС БАЁНОТ БЕРИШДИ

«Катта еттилик» давлатлари раҳбарларининг Афғонистондағи вазиятга бағишлиган саммити ўтди.

Онлайн тадбирда БМТ Бош котиби Антониу Гуттериши ва НАТО Бош котиби Йенс Столтенберг иштирок этишиди.

Европа Иттифоқи ва Афғонистон фуқароларини эвакуация қилиш, миграция, мінтақавий вазиятни баҳолаш ва мамлакат аҳолисига гуманитар ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Еврокомиссия маълумотларига кўра, шу кунгача Қобул аэропортидан Европа Иттифоқи делегацияси билан Афғонистон пойтахтида ишлаган 400га яқин ЕИ ва Афғонистон фуқаролари кўчирилган. Катта еттилик (Group of Seven – еттилик гурӯҳи, G7) – Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Франция, Япония ва АҚШни бирлаштирган норасмий халқаро клуб.



## ЎЗБЕКИСТОН РОССИЯДА ҚОЛИБ КЕТГАН ФУҚАРОЛАРИНИ ОЛИБ КЕЛИШГА ПОЕЗД ЖЎНАТАДИ

«О’ztemiryo’lyo’lovchi» ҳиссадорлик жамиятидан маълум қилишларича, пандемия даврида Россияда қолиб кетган фуқароларни мамлакатга олиб келиш учун «Ўзбекистон темир йўллари» ҳиссадорлик жамиятия «Волжский–Тошкент» йўналишида 483-сонли йўловчи поездининг маҳсус рейсини йўлга кўяди, дея хабар беради UzA.

Ушбу поезд 2021 ийл 27 август куни соат 20:57да «Волжский – Тошкент» йўналишида ҳаракатини амалга оширади. 30 август куни «Тольятти – Тошкент» йўналишида 446-сонли йўловчи поездининг маҳсус рейси йўлга кўйилади. Бу поезд Тольятти вокзалидан соат 12:35да жўнайди. Поездларга фақат бир томонга, яъни «Волжский – Тошкент» ҳамда «Тольятти – Тошкент» йўналишларига чипталар сотилади. Йўловчиларга чипта ҳарид қилишда қулайлик яратиш мақсадида уларни электрон тарзда сотиш йўлга қўйилган. Россиядаги фуқароларнинг яқинлари Ўзбекистонда туриб, уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси билан «Ўзбекистон темир йўллари» ҳиссадорлик жамиятия веб-сайти орқали e-ticket.railway.uz дан чипталарни электрон тарзда ҳарид қилиб, жўнатишлари хам мумкин.

## РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ВЛАДИМИР ПУТИН ТОПШИРИГИГА КЎРА АФГОНИСТОНДАН ЭВАКУАЦИЯ ТАШКИЛЛАШТИРИЛДИ

Россия мудофаа вазирилиги Афғонистондан Россия, Ўзбекистон, Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон ва Украина нинг 500 нафардан зиёд фуқаросини олиб чиқди. Бу ҳақда вазирлик матбуот хизмати хабар берди.

Қайд этилишича, 25 август куни Россия президенти Владимир Путин топширигига кўра, мудофаа вазири Сергей Шойгу томонидан фуқароларнинг Афғонистондан ҳарбий-транспорт авиацияси самолётлари ёрдамида эвакуацияси ташкиллаштирилди.

Күчган оила таркибидаги 1341 киши янги ҳаётини бошлади. Умуман олганда, жорий ийлда "Еңбек" дастури доирасида вилоятимизга 6039та квота ажратилған. Ийл охиригача квоталар ўз эгаларини топиб, күчиб борувчилар сони ортишига шубҳа йўқ.

## ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИДАН ШИМОЛИЙ МИНТАҚАЛАРГА 7 ОЙДА 302 ОИЛА КҮЧДИ

Туркестонликларнинг аксарияти Павлодар вилоятини танлаган. У ерга 205 оила (972 киши) ёки күчувчиларнинг 67,9 фоизи борган. Шимолий Қозоғистон вилоятига 69 оила (272 киши), Қўстаний вилоятига 16 оила (74 киши), Шарқий Қозоғистон вилоятига эса 12 оила (23 киши) кўчган. Туркестон вилояти республикадаги кўчувчиларнинг 30 фоизини ташкил қилган.

Шимолий вилоятларга кўчиш бўйича Сайрам (150 киши), Сариоғоч (142 киши), Жетисай (118 киши), Мақтаарал (115 киши), Чордара (104 киши) ва Арис (108 киши) шахри етакчилик қилмоқда.

Бугунги кунда "Еңбек" дастури бўйича миграцияни жонлантириш йўналишида иш сезиларли даражада фаоллашган. Ушбу стратегик аҳамиятга эга тадбир Туркестон вилояти ҳокимлиги, Nur Otan партияси вилоят филиали ҳамда вилоят иш билан таъминлашни мувофиқлаштириш ва ижтимоий дастурлар бошқармасини режасига киритилган. Ҳар бир туман ва шахарда миграцияга масъул мутахассис тасдиқланиб, бандлик марказларида фуқароларга тегишли ахборот ва ёрдам берилмоқда. Шу сабабли, кўчиш ниятидаги кишилар қўшимча



маълумотларни бандлик марказларидан олишлари мумкин.

Кўчиб борадиганларни ишга жойлаштириш ва тадбиркорлигини ривожлантиришга ёрдамлашиб, қисқа муддатда касбий курсларга йўллаш кўзланган. "Еңбек" давлат дастури доирасида кўчиб борган ҳар бир фуқарога ва уларнинг оила аъзоларига 70 ОҲҚ миқдорида (204190 тенге) моддий ёрдам берилади. Бундан ташқари, кўчиб борувчига ўн икки ой да-

вомида ой сайнин бошпана ижарага олиш ва коммунал хизматларга ҳақ тўлаш юзасидан моддий ёрдам берилади. Масалан, шаҳар жойларга кўчиб борган бир кишига 20 ОҲҚ (58340 тенге) миқдорида маблағ ажратилади. Агар оила аъзоларининг сони икки нафардан тўрт нафаргача бўлса, 25 ОҲҚ (72925 тенге) миқдорида тўланади. Қишлоқ жойларга кўчиб борган бир киши учун 15 ОҲҚ (43755 тенге) миқдорида тўланади. Агар оила аъзоларининг со-

ни икки нафардан тўрт нафаргача бўлса, 18 ОҲҚ (52506 тенге) миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади.

Nur Otan партияси Туркестон вилоят филиали раисининг биринчи ўринbosари Бейсен Тажибаевнинг айтишича, "Еңбек" давлат дастури жуда катта аҳамиятга эгадир.

– Биз вилоят иш билан таъминлашни мувофиқлаштириш ва ижтимоий дастурлар бошқармаси, фаол фуқаролар ва депутатлар билан биргаликда миграция дастури тарғиботини кучайтиридик. Ахборий чора-тадбирлар, ташкилий ишларни пухталадик. Бу борадаги ишлар давом этаверади. Мехнат кучи оз бўлган минтақаларга кўчиш орқали оиласлар янги имкониятларга эга бўлди ҳамда мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса кўшадилар, – деди Б. Тажибаев.

Умуман, "Еңбек" давлат дастури йўлга кўйилган 2016-2021 йиллар оралиғида Туркестон вилоятидан Шимолий вилоятларга 2024 оила таркибида 7381 киши кўди. Уларга ёрдам пуллари берилди, иш, бошпана билан таъминлаш юзасидан тадбирлар давом этмоқда.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

## 600дан ЗИЁД МАКТАБГА ВИДЕОКАМЕРА ЎРНАТИЛАДИ

Вилоятимизда 1 сентябргача 400та мактабда видеоназорат камerasи ишга туширилади. Ийл охиригача бундай камера яна 227та мактабда ўрнатилиши режалаштирилган. Буни минтақавий алоқалар хизматида ўтган матбуот анжуманида ҳудудий таълим соҳасида сифатни таъминлаш департamenti раҳбарининг вазифасини бажарувчи Қўдайберген Шербаев маълум қилди.

– Вилоятнинг таълим соҳасида сифатни таъминлаш департamenti минтақадаги 901та мактаб ва туман, шахар таълим бўлимларига мониторинг юритди. Мажмуавий мониторинг натижаси таълим муассасаларида ўзига хос муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Масалан, вилоятдаги 900 мактабнинг 800га яқинида тиббиёт хонаси мавжуд. Қолган 100таси тиббиёт хонаси учун рухсат қофози олмаган. Бундан ташқари, 88та бошланғич ва кам сонли мактабларда тиббиёт хонаси умуман йўқ, – деди Қ. Қайипбекули.

Департамент мутахассислари қатор мактабларда химия, биология, физика хоналари умуман жиҳозланмаганини аниқлаган. Бундан ташқари, 200та бошланғич, асосий ва ўрта умумий таълим муассасаларининг спорт зали ва спорт майдончалари жиҳозланиши жиҳатидан ва ўрнатилган ёритиш мосла-маларининг тегишли меъёрларга номувофиқлиги аён бўлган.

**Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.**



Байдибек тумани, Қўшқарат аҳоли манзилида "Ақли кунгабоқар" ахборот-таълимот электрон ускунаси ўрнатилди.

## "АҚЛИ КУНГАБОҚАР" ЎРНАТИЛДИ



Ўзига хос ушбу асбоб WI-FI тармоғига уланган бўлиб, унинг пароли: шоир Абай Қунанбаевнинг яшаган йиллари. Бу яширин сўз ой сайнин ўзгариб туради. "Ақли кунгабоқар"ни Байдибек тумани, Бўрлисай қишлоқдаги "Қўшқарат" Береке" ижтимоий хайрия жамғармаси ташкилотчилигига Мейирлан Қириқбай ўрнатиб берди. Замонавий ускуна қуёш энергиясидан кувват олади. Maxsus клавиатура ёрдамида интернет тармоғидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бепул WI-FI ва уяли телефонларга заряд олиш имкони мавжуд. Ушбу янгилик атрофида чироқлар ўрнатилган, қуляй ўриндиклар кўйилган. Вилоятимизда саҳиҳ ва олижаноб инсонлар кўп. Уларнинг ҳалқ учун қилган эзгу ишларидан қишлоқ аҳли гоят миннатдор.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

## 700 МИНГДАН ЗИЁД КИШИ ЭМЛАНДИ

Туркестон вилоятидан вакцинанинг биринчи компоненти билан 724 406 киши эмланди. Бироқ унинг иккинчи қисми ни 543 377 киши қабул қилди, холос. Бир кечакундузда вилоятда 2296 киши вакцина олиш ниятини билдириди. Умуман вакцина мавсуми бошланганидан буён минтақага 736 460 доза вакцина етказилди.

Бугунги кунда эпидемиологик ахвол матрицасига кўра Туркестон вилояти "яшил" ҳудудда. Бунда сўнгги кечакундузда ковиднинг 56та ҳолати аниқланди. Бир кечакундузда ўсиш 0,456 фоизни ташкил этди. Ихтисослаштирилган инфекциявий стационарларда жами 3600 ўрин бор, 2019 тўшак бўш. Юқумли касалликлар касалхонасида 1581 бемор корона-вирус инфекциясидан эса 201 бемор даволанмоқда. Пандемия бошланга-

нидан буён хасталикнинг 12328 ҳолати рўйхатга олинди. Унинг 653тасида касаллик аломатлари сезилмаган.

Айтиш жоизки, пандемия бошланганидан буён 10 667 нафар бемор касалликдан бўйи тўлиқ фориг бўлган. Жами 960 017 ПЗР тест олинган. Сўнгги кечакундузда лабораторияларда 1480 киши текширишдан ўтган.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

## ● 102 ҳабар қиласи

### "ТҮЙ ТАМОМ, ҲАММА ТАРҚАЛСИН..."

Туркестон вилояти ПБ Арис ТПБнинг полиция ходимлари йил бошидан бўён ҚР МХБКнинг 425-моддасига кўра яқин ҳуқуқбузарлик аниқлаган. Шу жумладан, тўй ва маросимлар уюштиришининг 25 ҳолати, жамоат жойда ниқобсиз юришнинг 54 ҳолати, чекланган вақтга риоя қилмасдан иш юритган дўёнларнинг 50таси, ўйинхоналарнинг 3таси аниқланган. Ушбу тартиббузарликларга қонуний чора кўриш учун жамланган ҳужжатлар қонуний қарор қабул қилиш учун тегишли муассасага йўлланди.

Масалан, Арис шаҳридаги тўйхоналарнинг бирида 150га яқин меҳмон чақириб, "қиз узатиш" тўйини уюштирган фуқаро аниқланди. Қонунбузарликка йўл қўйган тўйхона ва тўй соҳиблари чеклов талабига риоя қилмаганини учун ҳужжатлар тегишли муассасага йўлланган. Меҳмонларга эса тушунириш ишлари юритилиб, тўй тўхтатилиб, тарқатилиди.

Полициячилар тўйхона ва қаҳвахоналарни текшириб, соҳиблари билан учрашиб, одамлар кўп тўплана-диган маросимларни ўтказганлиги учун жавобгарликка тортилишини айтиб огохлантириди.

Шимкентлик ҳамюртимиз полицияга мурожаат қилиб, бир шахс ишга жойлаштириб қўйман деб, 500 минг тенге пулини қаллоблик йўли билан олиб, пулни қайтармаётганини айтган.

Ал Форобий ТПБ Криминал полиция бўлими ходимлари харакати билан номаълум шахс аниқланиб, кўлга олинди. Тергов юритилмоқда. Йирик миқдордаги пулни бегона ва нотаниш кимсаларга ишониб топширишдан аввал ўйланинг: бу йўл билан қанча одам иш билан таъминланган ва мақсадига эришган?

## ҚИЗ ОИЛАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Арис ТПБга Шимкент шаҳрида истиқомат қилувчи 21 ёшли қиз ўйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаганини ҳақида маълумот келди.

Ота-она қизини кун бўйи излаб натижага чиқмагач, полицияяга онаси мурожаат қилган. У аризасида қизининг тенгқурлари билан дарё бўйига ҳордик чиқариш учун кетиб, қайтиб келмаганини айтган. Натижада интизом соҳиблари қизни Арис туманидаги қишлоқнинг йўлларидан бирида пиёда кетаётган пайтда топишган. Ёшлар дарё соҳиблари ҳордик чиқаришга келишган. Ўша куни улар ўртасида низо чиқиб, қиз ёлғиз йўлга чиқиб, ҳордик жойини тарқ этган. Тонг чоғи йўлга отланган қизни полиция нозири F. Бижанов учратиб, ота-онасига топширган. Қиз билан руҳшунослар ишлашяпти.

**М. СА҃ДУЛЛАЕВА.**



# Б. Қўнисбек: МАҚСАДИМ - ХАЛҚ МАЊНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ



Вилоятимизда бу йил қозоқ журналистикасининг отахони, вилоят ОАВ вакилларининг түбебии, Қозғистоннинг фахрий журналисти, "Қўрмет" ордени, "Ерен енбеги ўшін" медали соҳиби, Туркистон вилояти ва Байдибек туманинг фахрий фуқароси Байдулла оға Қўнисбекниң 80 йиллиги ҳам нишонланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, қўлидан қалами тушмаган, жамоатчилик ишларидан бўшамаган отахон билан сермазмун ҳаёти ва ижтимоий фаолиятига оид сұхбат уюштиридик.

– Жорий йил апрель ойида пандемия шароитида, Туркистон шаҳрида раҳбарлар, мутасадди идоралар, ҚР Журналистлар уюшмаси, Яссавий номидаги ҳалқаро қозоқ-турк университети вакиллари ташкилотчилигига таваллуд кунингизга бағишиланган тантанали тадбир ўтди. Матбуотда сиз ҳақингизда мақолалар чоп этилди, ҳаётингиз ва ижодий фаолиятингиз – эътиборда!

Сизга "минтақа мањнавиятининг бренди" унвони ҳам берилди. Соҳада шундай алоҳида ҳурмат-эҳтиром ва илтифотга эга бўлиш учун нима қилмоқ керак?

– Ҳурмат-эҳтиромни пулга ёки бошқа қўмматбахо буюмларга сотиб олиш, айирбошлиш мумкин эмас. 60 йил ҳалқа холис хизмат қилиб, "ҳалоллик, фидойилик ва катта-кичикка ҳурмат-иззат" шиори остида яшаб, ижод қилдим. Журналистика соҳасидаги камтарона фаолиятим фақат бир нарсани – ҳалқимиз мањнавиятини юксалтириб, эл дардига қулоқ тутиб, муаммоларни ҳал этишда, давлат сиёсатини ҳалқа етказиб, ижобий мағкуруни шакллантиришни мақсад тутди. Шунинг шарофати бўлса керак, бугунги шукуҳли кунларга етиб келдим.



– Сиз кўп йиллар «Оңтүстик Қазақстан» газетаси таҳририятида, вилоят телерадио компаниясида раҳбар лаъзимларда ишлаб, соҳада кенг танилдингиз. Қолаверса, Nur Otan партияси вилоят филиали, вилоят Журналистлар уюшмасида фаол хизмат қилдингиз. Қозоқ-Қувайт гуманитар академиясида дарс бериб, доцент бўлдингиз. "Бутунжаҳон қозоқлар ҳамжамияти" филиалини самарали бошқарган пайтингиз ҳам қизиқарли...

– Ушбу ҳамжамият (Элбоши Нурсултан Назарбаев раҳнамолигида) чет элдаги қозоқ қондошларимизнинг ҳаётини ўрганиш, ғамхўрлик кўрсатиш, кўчиб келганларига амалий ёрдам бериш каби тадбирларни амалга оширади. 2004 йилда унинг минтақавий филиалига раис бўлиб тайинландим. Сўнг, Ўзбекистонга, Қирғизистонга бориб-келиб, қозоқларнинг маданий марказлари билан алоқалар ўрнатилди. Қозоқ мактабларини қозоқ тилидаги дарслеклар билан таъминлашда, қозоқ оқин-ёзувчилари ижоди билан таништириша ҳисса қўшдик.

Хусусан, 2009 йил февраль ойида Қозғистон ва Ўзбекистон Республикалари Президентлари абадий дўстлик шартномасини имзоланганинг ўн йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги шаррафига ўтказилган ҳалқаро айтишувни айтмайсизми. Айтишув Тошкент шаҳридаги беш мингга яқин одам сифадиган республика "Ҳалқлар дўстлиги" санъат саройида ўтди. Қозоқнинг миллий санъати ва маданиятига бўлган ихолосдан бошимиз кўкка етди. Биз сарой раҳбарлари билан келишиб, ташқарига "монитор" кўйдирдик. Кенг жамоатчилик ичкарида ўтаётган беллашувни ташқарига ўтириб, томоша



Умумий қилиб айтганда, ҳамжамиятда ўриб, тиндиран ишим – кўчиб келган қондошларимизнинг яшаш шароитини яхшилаш, ҳужжат ишлари, фуқаролик олиш масалаларини, тегиши нафақасини олишга ёрдамлашиш бўлди. Комиссия аъзоси сифатида бу ишларни астойдил бажардим.

– Сиз "Жанубий Қозғистон" газетаси билан доим дўстона муносабатда бўлиб келгансиз...

носиб вориси, ўғли Хуршид фаолият юритапти. Отасининг тарбияси сезилиб турди, жуда маданияти ва хушхулк ўигит.

Газетани кўп йиллар бошқарган Муроджон Абубакировни ҳам ҳурмат қиласман, самимий ва камтарин инсон.

Фахрииддин Қаратоев ҳақида ҳам таасурутларимиз айтгим келади. Ишибилармон, гапга чечан. Газетага раҳбар бўлган пайтида журналистикадан қобилияти борлиги ҳам сезилди. Мана, ҳозир Парламент Мажлиси депутати. У ҳар доим ўзбек-қозоқ дўстлигини тарғиб қилиб келади.

Ҳозирги Бош муҳаррир Алишер Сотволдиевни тарбиялаган ота-онасига раҳмат! Мањнавий тарбия балқиб турибди. Ўзбек, қозоқ, рус, чечан, умуман, истаган миллат вакили билан тез тил топишиб кетади. Келажаги порлоқ...

– Бугун оммавий ахборот воситалари, интернет авж олган замонда яшайпмиз. Ахборот кўплитидан жамият ҳам ундан чарчади. Шундай даврда газета ўз нуфузини сақлаб қолиши мумкин?

– Тўғри, ахборот макони жуда кенгайди. Сўз ва ахборот эркинлиги кафолатланган мамлакатда оммавий ахборот воситаларининг кўп бўлиши, табиий ҳол. Лекин унда газетачилик ҳам ўз ўрнини топиши зарур, албатта. Мамлакатда юз берадётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни фаол ва сифатли ёритишга эришиш, мањнавиятини юксалтиришда фаоллик кўрсатиш орқали эл орасида оммабоп бўлиши мумкин. Бунинг учун таҳририяларда ишловчи журналистлар фаол, вақт билан ҳисоблашмай меҳнат қилишлари керак. Ҳокимлик бирор тадбир ўтказадиган бўлса, нари борса, 300 одам йигади. Лекин ушбу тадбир овозасини журналистнинг бир мақоласи минг-миллионларга етказади. Қаранг, қандай куч бор! "Оңтүстик Қазақстан", "Южный Казахстан" ва "Жанубий Қозғистон" газеталари асосий вазифасини оғишишмай бажариб, ахборот етказишида расмий манбалардан фойдаланади, тезкор янгиликлари, расмий хабарлари ва таҳлилий мақолалари билан ўз мухлисига эга. Ёлғон-бўхтон, миш-мишлар ёзилмайди, бу таҳририят табиатига мос эмас. Фақат, фаолиятини даврга мос такомиллаштириб борса, ҳеч кам бўлмайди.

– Мазмунли сұхбатингиз учун раҳмат! Ёшингизга ўш қўшилиб, соғ-саломат юришингизга тилакдошмиз!

Н. МАВЛОНОВА.



қилиди. Бундай маданий тадбирлар натижаси ўлароқ, Қорақалпоғистон, Бухоро ва Газли, Тошкентдан Қозғистонга кўчиб

– Қозғистон ўзбек журналистикасининг қора чангароги – "Жанубий Қозғистон" газетасининг ilk раҳбарлари Собиржон Юсуфалиев ва Ҳавазмат Қўчкоровларга тўхталаёт. Марҳум Собиржон тенгдошимни вилоят партия қўмитасида ишлаган пайтимдан танийман. Сиёсий саводхон, ташкилотчилик қобилияти юқсак, шу билан бирга, камтарин одам эди. Олий Қенгашга депутат бўлиб сайланган чигода ваколатини сидқидилдан бажарди, қаерда ишламасин, ҳалол мөхнат қиласми. Қозоқ бовурлари ҳам унинг сермазмун ҳаётини ёддан чиқармайди. Биринчи редактор, барибир баринчи-да!

Ҳавазмат билан вилоят телерадио компаниясида ишлаб юрганимда танишдим.Faol, билимдон шахс, ҳазил-мутойибани қойиллатадиган, шоир-журналист сифатида эътироф этаман уни. Менга унинг ўзбек мактаблари, маданият ўчуклари ҳаётини ёрқин, жонли ёритиши жуда ёқарди. Ўзбек тилида теледастур бошловчиси, радио ходими ҳам бўлиб ишлади. Қозоқ ва ўзбек оқин-ёзувчиларини, умуман, зиёлиларини ўзаро танишиши, алоқаларини мустаҳкамлашда хизматлари бисёр. Бундай учрашувларни ҳар доим юқсак савияда ўтказишга ҳаракат қиласми. Газетада бош муҳаррир бўлган пайтида ҳам алоқаларимиз узилмади. Ҳозир "Жанубий Қозғистон"да унинг му-

кеlevchilar, болалarini ўrtimizda ўkiшга юboradig'an ota-onalar soni kўplaidi. Umuman, Butunjahaон қозоқlari ҳamjamiatining maъlumotiga kўra, xorijlik қondoшlарimizning otamakonga eng kўp kўchiб kелgani – ўzbekistonliklar ekан.

Дарвоқе, ушбу жамоатчилик ишим давомида Қозғистон ва Ўзбекистон ўтасидаги дўстликни тарғибот-ташвиқот қилишига оид давлат тендерларида иштирок этиб, голиб бўлганиман.





«Одам нима овқат еётганини худди она тили ва математикани мукаммал билганидек билиши шарти», деган экан британиялик машҳур ошпаз Гордон Рамзи.

Бугунги мақола қаҳрамони ўз келажагини отасининг насиҳатларига амал қилиб, ошпазлик касбига бағишилаган Насибулло ҲОЛИҚОВга саволлар билан мурожаат қилдик.

## МОҲИР ПАЗАНДАНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ОДИМЛАРИ

— Дастрлаб, ўзингизни мушта-  
рийларга таништирсангиз?

— Мен 1991 йил Тожикистон-  
нинг Қўргонтепа шаҳрида туғил-  
ганман. 1992 йили оиласиз  
билан Сайрам қишлоғига  
кўчиб келдик. Е. Юсупов  
номли мактабни тамом-  
лаб, касб танлашда отам-  
нинг насиҳатларига амал  
қилдим. Ошпазликка  
қизиқиши менда отам  
уйғотган. «Болам, яхши-  
ёмон кунда ошпазга эх-  
тиёж катта. Мусулмон-  
миз, тўю-маъракаларимиз  
кўп, шу соҳани танласанг  
кам бўлмайсан», дедилар.  
Мактабни тамомлагач, ушбу  
соҳада ўқиб-урғаниш, тажриба  
орттириш мақсадида Қўргонтепа  
шаҳрига жўнаб кетдим. Машхур  
ошпазлар aka-ука Зокиржон ва  
Неъматжон акалардан уч йил да-  
вомида ҳунарнинг сир-асорлар-  
ини ўргандим. Асосан, ресторан,  
қаҳвахона, барларда ишладим.  
Ошпазлик осон иш эмас, унинг  
ўзига яраша машқатлари бор.  
Ҳозирги ёшлар орасида ошпаз  
бўлмаман, деганлари жуда кам.  
Мен ўзим билган, танинг ука-  
ларга «Келинглар, ўргатаман,  
қозон-капирнинг гашти бўлакча,  
баракаси ҳам бор» дейман. Минг  
афсуски, ҳозирги ёшлар биринчи  
навбатда «канча маош берасиз»,  
деб сўрашади. Аммо бугунги кун-  
да шогирдим Шаҳзод Шоқосимов  
мендан пазандалик сирларини  
ўрганмокда. Шахсан менга Ярат-  
ган бир илоҳий куч-кудрат, иқти-  
дор инъом этди, бунинг учун минг  
бора шукр, дейман. Авлодимизда  
ошпазлар йўқ, отам педагог, онам  
ҳамшира, амакиларим шифокор,  
давлат хизматида ишлашган.

— Демак, сиз ушбу касбингиз-  
да келажагингизни кўра бил-  
дингиз?

— Айнан шундай, 16 ёшимда  
мусофиричида куну тун ухла-  
май ишлаган кунларим ҳам бўл-  
ган. Ўчқода, тандирда нон, сомса  
ҳам ёпардик. Ҳозиргидек, тайёр-  
газ, исисиқ сув йўқ, турли шароит-  
ларда меҳнат қилишимизга тўғри  
келган. Мен ҳеч қачон афсуслан-  
майман, аксинча, меҳнат мени  
чиниқтириди. Яратганга минг бор  
шукр. Ҳақиқий устоз-ошпазлар  
кўлида таълим олдим, уларнинг  
бир неча авлоди ошпазлар эди,  
чин маънода, «ошхонада туғил-  
ган» ҳақиқий истеъдод соҳиб-  
лари. Бугунги кунда ҳам тез-тез  
хабарлашиб турдиган. Мендан  
қимматли маслаҳатларини аяш-  
майди, шогирдининг фаолияти-  
дан мамнунлиги, менга ўзгача куч  
бағишилади.

— Яна қаерларда ўз маҳора-  
тингиз билан машхур бўлдингиз?

— Тоҷикистондан көлгач, янада  
тажриба орттириш мақсадида  
Нур-Султан шаҳрига кетдим. Рес-



ишлайтганингизга қанча бўлди?

— Қаҳвахона очилганига беш  
йил бўлса, менинг бу ерда-  
ги фаолиятимга ҳам шун-  
ча йил бўлди. Биринчи  
марта бу ерга келганим-  
да Алматидан келган  
15 нафар меҳмонни  
кутишга тўғри келди.  
Барча мажбурият менинг зиммамга туш-  
ди, меҳмонлар жуда нозиктаъб, ресторон  
таомларидан боҳбар инсонлар эди. Натижага  
кутилганидан ҳам зиёда  
бўлди.

Қаҳвахонамизда кўпроқ  
ўзбек миллий таомларига  
талаб катта. Қўзи гўштидан  
қайнатма шўрава, ош, бешбармоқ,  
лағмон, гўшти таомларни буори-  
шади. Кейнги пайтда Европача  
салат (француза, итальянча,  
америкача)ларга талаб кучайди.

— Мақсад ва режаларингиз?

— Яратган насиб этиб, элизим-  
даги чеклов тартиблари бекор  
қилинса, муборак Ҳаж сафарига  
бориб, муқаддас даргоҳда катта  
микдорда ўзбек паловини тайёр-  
лаб беришни ният қилганим.  
Қолаверса, ўглим Фирдавс Фран-  
цияда, машхур ошпаз Поль Бокюз  
институтида ошпаз-қандолатчи-  
лик бўйича таҳсил олишини орзу  
қиламан. Илойим, фарзандлар  
билан фаҳрланиш онлари барча-  
мизга насиб этсин.

Дарҳақиқат, ҳар биримиз меҳ-  
нат, ижод, ҳаётда нимаики ютуқни  
қўлга киритар эканмиз, мураббий  
— устоз туфайлидир. Ахир, одам-  
лар ота-она туфайли дунёга кел-  
са, устоз таълими туфайли оёққа  
турди, катта ҳаётда ўз ўрнини  
топади. Насибулло Неъматулло  
ўғли ҳам ота-она ва устозларин-  
нинг тўғри таълим-тарбияси ту-  
файли севимли касбини улуғлаб  
келмоқда. Ошпазнинг энг асосий  
иш қуроли капир ва пишоқ. Уни  
маҳорат билан ишлатиш ҳар ким-  
нинг қўлидан келавермайди. Қо-  
зонга тушадиган ҳар бир масал-  
лиқка меҳр бериш ҳам таомнинг  
мазаличишида энг муҳим роль  
ўйнайди. Ошхона ҳам таъбир  
жоиз бўлса, катта концерт зали.  
Бу ердаги ҳар бир ишчи қўлидаги  
ўз асбоби билан шоҳона асар  
яратади. Қаҳрамоним касбнинг  
сир-асорларини яна чукур эгал-  
лаш мақсадида ўқииди, ўрганиди  
ва изланади.

У ҳар тонг ота-она дуосини  
олишга шошилади. Рафиқаси  
Лайло тайёрлаган таомларни  
иштаҳа билан истеъмол қиласи.  
Қолаверса, фарзандлари Фир-  
давс ва Фотимага баҳтиёр бола-  
лик инъом этиб, уларнинг порлок  
келажаги учун астойдил меҳнат  
қилишни шараф деб билади.

Мухтабар УСМОНОВА.

Директор-Бош мұхаррир — Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош мұхаррир

Үрінбосарлари:

Муроджон АБУБАКИРОВ.  
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба —  
Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркестон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.

Тұлебий — Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.

Қазиғұрт — Хуршид ҚҰЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.

Сайрам — Мұхтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.

Түлкібош — Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.

Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис — Туркестон вилояти ҳоқимлиги.

Мулк эгаси — «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сийеси газетаси  
тахририяты» масъулияти чекланган биродарлиги.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шымкент шаҳри, Диваев кўчаси,  
4-йй, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.

Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан  
2020 йил 21 априлда рўйхатга олинди,  
KZ34VRU00022503 гувоннома берилган.

Буюртма:  
2201.

Нашр кўсактичи — 65466.  
Адади — 11810 нусха.

«ERNUR-print» МЧБ босмаҳонасида чоп этилди.

Шимкент шаҳри, Т. Алимкулов кўчаси, 22.

Навбатчи мұхаррир: Хуршид ҚҰЧҚОРОВ.

● Саломатлик – биринчи бойлик...

## САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА ЎҚИГАН ШИФОКОР

Қарноқлик таникли зиёли – газетамиз-  
нинг фидойи жонкуяри, марҳум Собиржон  
Юсуповнинг иқтидорли невараси,  
Алматидаги Ж. Асфендияров  
номидаги тиббий олийгоҳ,  
Россиянинг Санкт-Петербург  
шаҳридаги биринчи давлат  
тиббиёт университетида олий  
тиббий билимини таомилла-  
штирган, ЛОР (қулоқ, бурун,  
томоқ) шифокори бўлиб вилоят  
маркази – Туркестон шаҳрида  
самарали фаолият юритаёт-  
ган Дилемурод Шуҳрат  
ўғли (тасвирда) ҳақида  
мазкур мақолани ёзи-  
шишимизга тасодифий  
воқеа сабаб бўлди.



Туркестон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов кўнғироқ қилиб, тажрибали шифокор Шуҳрат Юсуповни тополмаётганини, яқинларидан бирига тажрибали ЛОР шифокори зарурлигини айтди. Мен ҳам доимий жамоатчи обуначимиз, ҳар бир хайрли ишга тайёр турадиган ҳиммати мўл, олий тоифали шифокор Шуҳрат Собиржон ўғлига кўнғироқ қилиб boglanolmadim. Қарноқ қиши-  
логидаги М. Қошғарий номли мактаб директори ўринбосари, укаси Шавкат Юсуповга кўнғироқ қилиб, Шуҳрат шифокорнинг сафарда эканлигидан воқиф бўлдим ҳамда унинг Санкт-Петербург шаҳрида ўқиб келган иқтидорли фарзанди Дилемурод Шуҳрат ўғлига мурожаат этишга қарор қилдим. Дастрлабки таассуротим, Дилемурод мен билан телефон орқали ўта маданият, ҳурмат билан саломлашиб, гаплашди. Буваси Собиржон билан отаси Шуҳратнинг изчил ибрат-тарбияси сезилиб турарди. Мулоқотдан кўнглим тўлди. Иложини қилиб, вақт топса отаси ўрнига беморни кўриш даркорлигини илтимос қилиб, телефон рақамини қолдирдим... Орадан бир неча кун ўтгач, Баҳодир ака мамнун ҳолда шифокор Дилемурод Юсупов ўйга келиб, беморни кўриб, ташхис қўйганлигини, дори-дар-  
мон тайинлаганини таъқидлади. Мен ҳам илтимосим ерда қолмаганлигидан хурсанд бўлиб, Дилемуродга омад тиладим. Камтарга – камол, дейдилар. Эл олқишини олиб, одамлар оғирини енгил қиulganga нима етсин.

Дилемурод Шуҳрат ўғли 1992 йили 22 ноябрда туғилган. Шаҳардаги М. Жумабаев номли кўп соҳали гимназия мактаби, сўнгра Кентов шаҳридаги Туркестон қозоқ-турк иқтидорли ўғил болалар лицей-интернатини «Олтин белги» билан тамомлаган. 2010 йили С. Ж. Асфендияров номидаги Қозоғистон Ҳалқаро тиббиёт университетига ўқишига кириб, 2015 йили ушбу олийгоҳи бакалавр даражасида қизил диплом билан тамомлаган. 2015-2017 йилларда мазкур нуфузли тиббиёт олийгоҳи интернатусида таҳсил олиб, уни ҳам қизил диплом билан тамомлади. 2017-2019 йиллари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги Академик И. П. Павлов номидаги биринчи давлат тиббиёт университети ЛОР резидентурасида ўқиб, олий тиббий билимини таомиллаштирган. Меҳнат фаолиятини 2019 йили Алмати шаҳридаги «Семейный доктор» клиникасида оториноларинголог шифокорликдан бошлади. Мураккаб жарроҳиларни мувоффақиятли амалга оширган. Айни пайтда Туркестон шаҳридаги «Талғат» клиникасида етакчи шифокор. Оиласи. Умр йўлдоши Феруза Шавкат қизи ҳам Туркестондаги Ҳалқаро қозоқ-турк университетининг тиббиёт факультетида олий маълумот олиб, шарафли шифокорлик касбини эгаллаган. Ихтисоси – невропатолог. Оиласи Нурислом исмли ўғилни тарбиялашмоқда.

Ш. МАДАЛИЕВ.

**P.S.** Ҳалқимизда от изини той босади, деган ҳикматли нақл бор. Ажаддодлари, хусусан, Кентов шаҳрининг фахрий фуқароси, Қарноқ қишилогига узоқ ўйлар самарали раҳбарлик қилган Собиржон ҳожи Юсупов – буваси, вилоят маркази Туркестондаги етакчи, тажрибали шифокор Шуҳрат Собиржон ўғли – падари бузруквори ишончни оқлаб билими, тажсрибаси, салоҳиятини одамлар оғирини енгил, дардига даво бўлишидек ҳайрли ишга сафарбар этаётган, эл корига камарбаста бўлаётган ёш ҳамда иқтидорли шифокор Дилемурод Шуҳрат ўғли Юсуповга омад, зафар, янги мувоффақиятлар ҳамроҳ бўлсин деб қоламиз.